

Бошланғич трейдерларга фойдали маслахатлар
Валюта бозоридаги Трейдерларга кичик ва катта маслахатлар.

1.Эхтимолни қабул қилинг

Ўз маблағингизни ёқолиши эхтимоли факт, буни қабул қилинг. Хар бир бошланғич трейдер шуни билиши керакки, валюта бозорида ютқазилардан хечким кафолатланмаган. Валюта савдосидаги асосий қоида: олинаётган даромад доим зарарни қоплайдиган даражада бўлиши керак.

2. Олдиндан аниқ режага эга бўлинг.

Савдо жараёнида олдиндан белгилаб олинган аниқ режалар асосида иш тутинг. Савдога киришишдан аввал ўз хисобиздаги маблағдан қайси миқдорини йўқотишга таёрилингизни ва қанча даромад олмоқчилигингизни белгилаб олишингиз керак.

Бу сизнинг эхтимолий зарар ва даромадингизнинг нисбати бўлиб хисобланади. Мувофақиятли трейдерлар хечқачон олдиндан ўйланган режасиз савдоларда қатнашишмайди.

3.Қўрқиш керакмас

Валюта бозоридан қўрқманг.

Кўпчилик бошланғич трейдерлар, форекс бозорида мавжуд риск ва йўқотишлар борасида доим хавотирда бўлишади.

Кимки ўз қўрқувини ейниб, аниқ ва тўғри режалар асосида ишласа, савдода кўп мувофақиятларга албатта эришади.

4.Қабул қилинган қарорларга жавобгарлик

Мувофақиятли трейдерлар шахсий жавобгарликлардан қочмайди. Бозорга кириш борасида фақат сиз қарор қабул қиласиз ва даромад оласизми ёки зарарга кирасизми фарқи йўқ, булар учун фақат сиз жавоб берасиз, чунки шу қарорни сиз қабул қилгансиз, жавобгарлик ҳам сизда.

5.Очкўзлик қилманг

Хечқачон очкўзлик билан иш тутманг. Одатта кўпчилик (хаттоки айрим тажрибали) трейдерлар ишлари яхши юришиб турган пайитларида, олдиндан белгилаб олинган қоидалардан чиқиб қарор қабул қила бошлайди, бу билан улар иш шу тариқа давом етишига умид қилади, айнидамда қўлга киритилган даромадга қаноат қилмай, бозор ўни тарафига узоқроқ давом етади деган умид билан олдиндан белгиланган режалардан ташқарига чиқади. Аммо бозор жуда ўзгарувчан ва трендлар ўз йўналишини кўп ўзгартиради. Шу сабабли, умидларни

четка суриб қўйиб, фақатгина режали ишлаш лозим.

6. Хиссиётларни ўқиринг

Зарарга кириб кетишнинг сабаби кўпинча ҳаддан ташқари хиссиётга берилиш бўлади. Битимни амалга ошираётган жараёнда хиссиётларни ўқириб қўйинг, сўвуқ ақл билан иш тутинг. Режага қатий амал қилинг ва ҳар доим стоп лосс ўрнатинг.

7. Тренд сизнинг дўстингиз

Тренд бўйлаб савдо қилинг, шунда сизнинг даромадингиз ўсади.

Савдо қилишдан олдин сўнги маслаҳатлар

1. Шошилманг

Бошланғич трейдерлар бирданига бирнечта битимлар тузиб қўяди, кигин уларни барчасини бошқара олмасигини англайди, бошқара олмаганлиги учун кўпинча зарарга киради. Форексда валюталар курсининг ўсишида ва пасайишида даромад олса бўлади. Фақат битта валюта парасида мувофақиятли ишласа бўлади. Шунинг учун аввалига битта пара билан ишлашга диққат қаратинг.

2. Доим стоп лосс эсингизда турсин!

Кўпинча зарарга кириб кетишнинг сабаби мани менеджментни йўқлиги бўлади. Жўда катта зарарларга кирмаслиг учун албатта доим стоп лосс билан ишланг.

3. Савдо тизими

Ҳар бир трейдерда ўзига мослаштирилган савдо тизими бор. Трейдерларнинг бир қисми кунлик савдо қилишни маъқул кўришади, яна бир қисмини эса ўзоқ муддатли савдо қилишни маъқул кўришади. Энг муҳими, олдиндан белгиланган савдо тизими қоидаларидан четга чиқмасдан савдо қилиш. Бирнечта омадсиз савдолар, сизнинг савдо тизимингизни даромадсиз дейишга асос бўлаолмайди. Ҳар бир энг мукамал тизимда ҳам албатта омадсиз савдолар мавжуд.

4. Белгиланган даромад

Бошланғич трейдерларнинг кенг тарқалган хатоси бу – даромадга кирган позицияни воҳли ёпиш. Шунинг учун доим савдо режасига асосланиб иш тутинг, бу сиз кутган потенциал даромадни йўқотмаслигингизга ёрдама беради.

5. Даромадли позицияларни зарарга айлантирманг

Бозорнинг ҳаракатига диққат билан этибор беринг. Қачонки нарх сиз учун ижобий тарафга етарлича юрса, стоп лосс ни бошқа нуқтага ўзгартиринг, яний позиция очилган нуқтага. Шу тариқа тренд бўйлаб уни суриб боринг ва шунда нарх сизга қарши юрганида ҳам сиз даромад оласиз.

6. Жуда кўп киришлар

Бозорга кўп киришнинг ёмон жойи йўқ, аммо тажрибасизлик натижасида кўп битимлар тузиш сизни тез орада банкрот қилиши муқаррар.

7. Нархнинг ҳаракати алдамчи бўлиши мумкин

Фақатгина нархнинг кескин ўсиши ёки пасайишида шошилиб битим тузманг. Савдо юрутиш шартларини олдиндан тузинг. Кириш нуқтаси, стоп лосс нуқтаси ва даромадни олиш нуқтасини ҳақида аниқ тасавурга ега бўлинг. Позицияни ёпиш нуқталарини олдиндан белгилаб олинг.

8. Зарарга кирган битимларга кўп вақт сарфламанг

Фойдага кирган позицияларни узоқроқ ушлаб туринг, зарарга кираётганларини тезроқ ёпишга ҳаракат қилинг. Позиция зарарга кириб узоқ вақт турмасин, яхшиси зарарга кирган позицияни ёпинг ва бошқа инструментлардан кириш нуқталарини қидиринг. Валюта бозорида кўплаб фойдали кириш нуқталари мавжут, шунинг учун зарарга кираётган позицияга кўп вақт сарфлаб кутиш керакмас. Энди сиз хотиржам реал савдо қилишингиз мумкин.

@manba: signal.uz sayti